



Ўзбек, исломий унвон - Султан Гиёсиддин Мухаммад (1283-1341) – 1313 йилдан бошлаб Жўчи улусининг (Олтин Ўрда) хони; Менгу-Тимурнинг тўккизинчи ўгли Тўғрулнинг (Тўғрулджай, Тўғрулчи) ўгли; Тўхта хоннинг жияни. Унинг даврида Ислом Олтин Ўрданинг давлат дини деб тан олинди. Ўзбек айникса, рус князликларида ўз хукмронлигини фаол ўрнатишга ҳаракат киларди, ўз синглисини Москва князи Юрий III га узатган. Тверь князликлари билан урушда Москвага ёрдам берган. Ўзбек-хон хукмронлик килган йилларда Иван Калита (унинг укаси Ўзбек-хоннинг тугишган синглиси Кўнчакга уйланган эди) бошчилиги остида рус князликларининг йигилиши бошланган, бу эса охир-окибат Буюк Москва князлиги, кейинчалик эса бутун Руснинг Олтин Ўрда хонларига табаалиқдан чиқишига олиб келди. Ўзбек-хон бошқаруви Олтин Ўрда кудрати энг юкори чўққига чиккан давр бўлди. Рус солномаларида у Алабуга, Азбьяк, Ўзбьяк сифатида маълум.

Шахсияти

Давлат арбоби ва инсон сифатида Ўзбек-хон (араб/форс. ابو بکر محمد) хакида XIV-XV асрларда яшаб ўтган кўплаб араб-форс муаллифлари ёзган. 1333 йил у билан шахсан учрашишга муяссар бўлган Ибн Баттута хонга энг юкори баҳо берган: «У дунёдаги энг буюк ва кудратли етти шохдан биридир». Тарихчи-солномачи ал-Муфаддал ёзадики:

«...Бу кўркам, феъл-атвори хуш бўлган ёш йигит, ажойиб мусулмон, жасур ва гайратли кимса эди». Географ ва тарихчи ал-Айнига кўра: «У жасур ва довюррак, художўй ва такводор кимса эди, факихларни иззатларди, уламоларни севарди, уларнинг маслаҳатларига кулок соларди, уларга ишонарди, уларга нисбатан марҳаматли эди, шайхларнинг олдида ташриф буюрарди ва уларга яхшилик киларди».

Масалан, ал-Бирзалий ёзади: «Бу шох [Тўхта] ўлгач, унинг ўрнига ўттиз ёшлардаги Ўзбек-хон тахтга ўтирди. У ислом динига эътикод қилиб, ақл-хуши, чиройли кўриниши ва қадди-комати билан ажралиб турарди». Бошқа бир жойда ёзилишича: «кўриниши кўркам, феъл-атвори ажойиб йигит, намунали мусулмон ва довюррак кимса». Аз-Заҳабий ҳам у ҳақида шунга ўхшаш руҳда фикр билдиради: «...жасур қахрамон, ташки кўриниши кўркам, мусулмон, кўплаб амирлар ва сеҳргарларни йўқ қилган». Хаттоки Ўзбек-хонга нисбатан ҳайрихоҳликда гумон қилиниши мумкин бўлмаган ҳулағучи тарихчи Вассоф ҳам уни мактаб ёзади: «Художўй шахзода Ўзбек, - деб ёзади у, - Мангу-Темурнинг ўғли Тўктайнинг ўғли Тўғлукнинг ўғли, илохий имонга ва шохона жилвага эга».

Таъкидлаш жоизки, Ўзбек исми қелиб чиқиши бўйича туркий бўлиб, Ўрта Шарқда Чингизхон юришидан олдин ҳам қайд этилган. Бу исм Усама ибн Мункизнинг (1188 йил вафот этган) «Ибратлар китоби»да учрайди; салжукийлар даврида Эронда рўй берган воқеаларни тавсифлар экан, муаллиф 1115-1116 йилларда ҳукмдор Хамадан Бурсук кўшини саркардаларидан бири «лашкарлар амири» Ўзбек – Мўсул ҳукмдори бўлганлигини ёзган. Рашидиддиннинг маълумотларига кўра, Табризда ҳукмронлик қилган туркий илдегизийлар сулоласининг сўнгги вакилини Ўзбек Музаффар (1210-1225) деб аташган.

Ҳокимият тепасига қелиши ва исломнинг тасдиқланиши

Ўзбек-хон Тўхта хоннинг жияни ва Мангу-Тимур хоннинг набираси бўлган. Тўхта хоннинг ўғли Иксар (Ильбасар, Илбасмиш) қудратли амир Кадак химоясида хон деб эълон қилинган, бунда Кадакнинг ўзи бош вазир бўлган. Бирок 1313 йилнинг январида Ўзбек беклар беги Кутлуг-Тимур билан марҳум Тўхта хоннинг яқинларига ҳамдардлик сўзлари билдириш учун Ургенчдан келганида Иксар ва Кадакни ўлдирди. Шундан кейин, Кутлуг-Тимур ва қайнотаси Баялун кўмагида Ўзбек Олтин Ўрда ҳокимиятини қўлга киритди.

«Тарих-и шайх Увайс»га кўра: ...Ўрда амири Кадак Тўхта хоннинг ўғли Илбасмишни тахтга ўтказмоқчи эди, лекин Ўзбек ва Кутлуг-Тимур Хоразмдан қелиб, уларнинг иккаласини ўлдирди.

Ўзбекнинг тахтга ўтириши ислом тарафдорларининг кумагида амалга оширилган. Кўчманчи зодагонларнинг вакиллари Ўрда тахтида анъанавий тартиблар ва тенгричилик тарафдори бўлган Тўхта ворисини кўришни истаганлари сабабли, номзодлар кўйишдан олдин каттик кураш борди. Натижада исломий кучлар кўмагида тахтга ўтирган Ўзбек Дашти-Кипчокнинг шимолий қисмида саккиз йил ўтказишига тўғри келди. 1313 йилнинг январида Ўзбек-хон тахтга ўтирди. Факат 1320 (1321) йилга қелибгина у Арслон Боб Занги-ота авлоди ва унинг вориси Саид-ота олдида расман

Исломни қабул қилди. Арслон Боб йирик сўфий, туркий қабилалар мафқуравий раҳнамоси Аҳмад Яссавийнинг устози эди.

Муаллифи номаълум бўлган, XV асрга оид «Шажарат ал-атрак» (Туркийлар шажараси) асарида айтиладики:

Хон тахтига чиққач, у 8 йил давомида ўз эли ва улуси билан Дашти-Кипчокнинг шимолий (орқа) мамлакатларида кун кечирди, чунки (унга) бу мамлакатлар суви ва хавоси, овланадиган ёввойи қушлар қўплиги ёқарди. Унинг султонлиги бошланганидан 8 йил ўтгач, мусулмонлар ва шайхларнинг муқаддас шайхи, дунё кутби, Занги-ота ва юқори унвонларга эга бўлган, адашганларга дунёлар ҳукмдорига содиқлик йўлини кўрсатувчи, кезиб юрувчилар раҳбари ва изланувчилар йўлбошчиси бўлган бош сайид, Занги-отанинг вориси Сайид-ота раҳбарлиги остида у (Ўзбек) туркий товук йилига мос келадиган хижрий 720 йилнинг ойларида (12 II 1320-30 I 1321) Исломни қабул қилиш шарафига муяссар бўлди.

Хон бўлгач, Кутлуг-Тимурнинг талаби билан Ўзбек Исломни қабул қилди ва Муҳаммад исмини олди. Исломни давлат дини сифатида жорий қилишга уриниш Ўрда зодагонлари томонидан қаршиликка учради. Муҳолифат етакчилари Тунгуз, Таз ва Сарой амири Кутлуг-Тимур Ўзбек-хонга дедилар: «Сен биздан итоаткорлик ва бўйсунишни талаб қил, лекин динимиз ва эътиқодимиз билан ишинг бўлмасин, қандай қилиб биз Чингизхоннинг низом ва қонунларини тарқ этишимиз ва араблар динига ўтишимиз мумкин?» Бирок қадимги мўғул динининг тарафдорлари бўлган амирлар ва шахзодалар – қатл этилди. 120 нафар чингизийнинг қатл этилгани ҳақида маълум қилинади.

Бошқаруви

Ўзбек-хон ҳокимиятни ўз қўлида мустаҳкам ушлади ва чекка жойлардаги ҳар қандай айирмачлик чиқишларини шафқатсиз бостирди. У ўлпон тўплаш ва уни Ўрдага юбориш ҳуқуқини рус князларига топшириб, Россияда босқоқчиликни бекор қилди.

Ўзбек-хон Ўрда ҳудудидаги ички жанжалларни бартараф этишга ва Ўрданинг юксалишига эришишга муваффақ бўлди. XIV асрнинг бошларида хон йирик маъмурий-ҳудудий ислохотни амалга оширди, унга кўра Жўчи улусининг ўнг қаноти 4 та йирик улусга бўлинди: хон томонидан тайинланадиган улус амирлари (улусбеклар) бошчилигида Сарой, Хоразм, Қрим ва Дашти-Кипчок, шу туфайли қаттиқ ҳокимият тизими таъминланиб, Волгабўйи, Хоразм, Қрим ва Кипчок даштлари унга сўзсиз бўйсунган бўлди.

Ўзбек-хоннинг ҳукмронлиги Олтин Ўрда қудратининг энг юксалган даври бўлди. Бу давр маданий юксалиш ва шаҳарсозликнинг кенг ривожланиши билан ажралиб турарди. У янги пойтахт – Сарой ал-Жадид қурдирди. Хон савдо ривожига қатта эътибор қаратди. Қарвон йўллари нафакат хавфсиз, балки ободонлаштирилган эди. Ўрда Гарбий Европа, Кичик Осиё, Миср, Хиндистон, Хитой билан жадал савдо олиб борди.

Рус князлари билан муносабатлар

1317 йил Ўзбек-хон Москва князи Юрий Даниловичга синглиси Кўнчакни турмушга берди, бу эса князга Михаил Ярославич Тверской билан буюк хукмронлик килиш учун курашда хоннинг кўллаб-куватлашига имкон берди. Ўзбек-хон Юрийга Кавгадий бошчилигидаги Ўрда гуруҳини берди, аммо Бортенев жангида Михаил Ярославич бирлашган Москва-татар кўшинини мағлуб этди. Кўнчакнинг Твер асирлигида кутилмаган ўлими Юрийга Ўзбек-хон олдида Михаил уни захарлаб ўлдирганлигида айблашга асос бўлди. Михаил Тверской Ўрдага чакирилди ва бу ерда Кавгадийнинг унга нисбатан нафрат туфайли, Ўзбек-хоннинг буйруги билан ўлдирилди.

«Бунда шох Азбьяк даврида Ўрдада унинг буйруги билан беш нафар буюк рус князи ўлдирилди: буюк князь Михайло Ярославич Тверской, унинг икки ўгли, буюк князь Дмитрий Михайлович ва унинг укаси буюк князь Александр Михайлович, буюк князь Василий Рязанский, буюк князь Иван Ярославич Рязанский; яна учта удел князи: князь Александр Новосельский, авлиё девона буюк князь Михаил Ярославич Тверскойнинг набираси князь Федор Александрович ва князь Федор Иванович Стародубский. Бунда шох Азбьяк даврида Ўрдада художўй ва буюк князь Юрий Данилович Московский буюк князь Дмитрий Михайлович Тверской томонидан, шох Азбьякнинг буйругисиз ўлдирилган. Шох Азбьяк томонидан жами тўққиз нафар буюк князь ва удел князлари ўлдирилган» (Лицевой летописный свод).

Михаил Тверскойнинг ўгли, Тверда князлик килган Александр 1327 йил тверликлар Ўрда элчиси Щелкан ва унинг аъёнлари ўлдирилган исёнда катнашиб, Москва князи Иван Калитага қарши курашни яна бошлади. Элчининг ўлдирилганидан хабар топган Ўзбек-хон газабланди ва Москва князига одам юборди. Бошка маълумотларга кўра, Калита Ўрдага ўзи, Тверда ходисадан фойдаланиб қолиш учун йўл олган. Ўзбек-хон унга князлик қилиш учун ёрлик ва 50 минг кишидан иборат кўшин берган. 1327 йил Калита татар ва суздал кўшинлари билан тверликлар кўшинини тор-мор келтирди, кўзголони шафқатсиз бостирди ва Твер князлигини харобазорга айлантирди. Шундан кейин Ўзбек-хон Шимолий-Шарқий Русь худудини (Буюк Владимир князлиги) икки қисмга ажратиб, бир қисмини Иван Калитага, пойтахт Владимир билан бирга иккинчи қисмини эса у қадар танikli бўлмаган Суздал князи Александр Васильевичга берди, 1331 йил унинг ўлиmidан сўнг Калита яна Ўрдага борди ва бутун князликка ёрлик олди. Александр Михайлович Тверской, Ўзбек-хоннинг газабидан кўркиб, Литва Буюк князлигига қочди. 1337 йил у ўзи хоннинг олдида келиб, авф этишни сўради. Ўзбек-хонга князнинг мардларча нутқи ёқди ва уни авф этди. Бироқ 1339 йил 29 октябрда Калитанинг гиж-гижлаши оқибатида Александр ва унинг ўгли Фёдор Ўзбек-хоннинг буйруги билан қийнаб ўлдирилди.

1340 йил Ўзбек-хон ўлпон тўлашни истамаган Смоленск князи Иван Александровичга қарши кўшин жўнатди ва Смоленск князлиги вайрон қилинди.

Ташки сиёсати

Ўзбек-хон етарли даражада фаол ташки сиёсат юритганига карамасдан, унинг даврида давлат худуди ўзгармади. Хон Польша киролигининг Галиция-Волин князлигини босиб олишига халакит беришга уринди. 1337 йил бирлашган рус-ўрда кўшини Люблинга юриш килди. Сўнгра Галиция бояри Дмитр Дедконинг илтимоси билан Ўзбек-хон кирол Казимир III Буюкка карши 40 минг кишилик кўшин юборди, лекин у Вислада маглуб бўлди. Жўчийлар анъанавий сиёсати ўзанида харакатланишни давом эттириб, Ўзбек-хон Кавказ орти худудлари – Хулагулар ерларига даъво килди. 1318/1319, 1325 ва 1335 йилларда Ўрда кўшинлари Ширван ва Арранга бостириб кирди, лекин сезиларли муваффакиятга эриша олмади. Беклар беги Кутлуг-Тимур Ўрданинг ички баркарорлиги ва савдога путур етказилишидан кўркиб, Хулагуларга карши урушга чиқди. Ўзбек-хон Византия, Хиндистон, Гарбий Европа мамлакатлари билан дипломатик алока килган. Мамлуклар Мисри билан ўзаро муносабатлар тикланди. Хон Византия императори Андроник II нинг кизига уйланиб, сулолалар ўртасида никоҳ курди, шунингдек, Миср султони ан-Носир Мухаммадга жияни, малика Тулунбайни турмушга узатиб, у билан кариндошлик иттифокига кирди. Тўгри, тез орада султон у билан ажрашиб кетди, Ўзбек-хоннинг султон кизларидан бирини унга узатиш хакидаги илтимосига эса (737/1336-1337) («у билан, Ўзбек-хон ном чикариши, дўстлик ва биродарлик ўрнатиши мумкин эди») ан-Носир кизлари хали ёш бола деб жавоб берди. Лекин шунга карамай, иккала мусулмон давлати ўртасидаги муносабатлар калин ва дўстона бўлиб колаверди, буни султон ан-Носирнинг котиби Ибн-Фадлуллох ал-Умарий хам таъкидлайди.

Маълум муддат давомида Ўзбек-хон Византия билан яхши алокада бўлди. Бирок, Андроник II хукмронлик килган давр охирларига келиб, бу муносабатлар кескин бузилди. 1320-1324 йиллар атрофида Ўзбек-хон кўшинлари Фракияга бостириб кирди ва навбатдаги сафар уни талади.

1341 йил Ўзбек-хоннинг ўлими билан Олтин Ўрдада хокимият киска вақт унинг ўгли Тинибекка ўтди.

Абу Муслим таржимаси